# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш зарурияти туфайли қонун лойиҳасининг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ижтимоий адолат принципига оғишмай риоя этилишига хизмат қилишига эътиборни қаратдилар. Ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Қонунчилик палатаси «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилди. Мажлис жараёнида мамлакатда бозор иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётганлиги, уй-жой фондининг, нотураржойлар ва ишлаб чиқариш объектларининг ташкил этилганлиги ҳамда тижорат айланмасига фаол жалб этилганлиги, хўжалик юритиш услубларидаги принципиал ўзгаришлар Ўзбекистонда риэлторлик хизматлари кўлами ва диверсификациясининг кенгайишига олиб келганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда мамлакатимиз кўчмас мулк бозорида воситачилик хизматлари кўрсатувчи 2516 та ташкилот рўйхатга олинган. Мутахассисларнинг берган баҳоларига кўра эса, бундай фаолият билан расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда шуғулланаётганларнинг сони анча кўп. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши риэлторлик фаолияти масалаларини тартибга солувчи самарали ҳуқуқий базани яратишга кўмаклашади ва унинг амалга оширилиши эса бу соҳада етарли даражада малакага эга бўлмаган шахслар йўлига жиддий тўсиқ бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ана шу рўйхатга риэлторлик фаолиятини ҳам киритиш зарурияти муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳуқуқий ҳужжат ҳам мамлакатимизда кўчмас мулк бозорининг ривожланишига кўмаклашади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳалари батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари риэлторлик фаолиятининг ривожланган норматив-ҳуқуқий базасига эга бўлиш кўчмас мулк миллий бозорининг нормал ривожланиши, давлат рўйхатидан ўтиб, кўчмас мулк бозорида воситачилик хизматлари кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмаларининг самарали фаолияти учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишини таъкидладилар.

Келиб тушган барча таклифларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллади ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилиш ва масъул қўмитага ушбу ҳужжатларни кейинги ўқиш учун тайёрлашни топширди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Божхона ва Солиқ кодексларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунларига ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда.

Муҳокама жараёнида киритилаётган ўзгартишлар баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг уйғунлашувига, тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг яхлитлиги ва тизимлилигига, ҳуқуқни татбиқ этишнинг ягона амалиётига кўмаклашиши таъкидланди. Ҳужжатни такомиллаштириш бўйича тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таклифларига кўра, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузуридаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш масалалари бўйича жамоат эксперт гуруҳлари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида эксперт гуруҳларнинг таркибларига малакали мутахассислар, норма ижодкорлиги фаолияти борасида катта тажрибага эга бўлган илмий ходимлар тавсия этилганлиги таъкидланди. Шунингдек, экспертларнинг қонун ижодкорлиги ишида фаол иштирок этиши парламент қуйи палатасининг қўмиталарида ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларининг сифати ва савиясини оширишга кўмаклашиши, фуқаролик жамиятининг турли институтлари вакилларини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этиш имконини бериши таъкидланди. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузуридаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш масалалари бўйича жамоат эксперт гуруҳларининг таркибларини тасдиқладилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Матбуот хизмати.**

# МИЛЛАТИМИЗНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан парламент қуйи палатасидаги "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ҳамкорлигида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Навоий вилоятида ижро этилишига доир назорат-таҳлил ишлари якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ва Навоий вилоятининг мутасадди раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Парламент назорати**

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам моддий маданий-мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш-тиклаш ва тарихий-маданий меросимизни халқимиз, айниқса, ёш авлодга, чет эллик меҳмонлар ва сайёҳларга кўрсатиш ҳамда тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда Президентимизнинг бевосита кўрсатмалари асосида Қосим Шайх мажмуаси, Работи Малик карвонсаройи ва сардобасида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилганлиги, Навоий шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилиб, улуғ бобомиз номидаги майдон барпо этилганлиги, ҳозирда Нурота туманидаги машҳур Чашма мажмуасида катта ҳажмдаги таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштириш тадбирлари бажарилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Умуман олганда, биргина 2003 — 2010 йиллар мобайнида Навоий вилоятидаги 14 та моддий-маданий мерос объектини консервация қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларига 6 млрд. сўмдан ортиқ бюджет ва ҳомийлар маблағлари сарфланган.

Вилоятда рўйхатга олинган 232 та моддий-маданий мерос объектидан 212 таси археология объекти, 13 таси республика ҳамда 50 таси маҳаллий аҳамиятдаги меъморчилик объекти, 48 таси маҳаллий монументал санъат объекти ҳисобланади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириб келмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда мазкур қонунларнинг ижроси билан боғлиқ жараёнда йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга ошираётган тегишли ташкилотлар раҳбарлари соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларидан талаб даражасида хабардор эмас. Моддий-маданий мерос объектларининг рўйхатини тузиш ва тасдиқлашда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги маълумотларида тафовутлар мавжуд. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланиш юзасидан дастур ишлаб чиқилмаган.

Маданий мерос объектларини Маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритиш ишлари ҳам ўта суст олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар вилоятдаги 232 та моддий-маданий мерос объектининг атиги 24 тасида кадастр ишлари бажарилган, шунча объектда муҳофаза теграси белгиланган, холос. Объектларнинг 25 фоизида муҳофаза белгилари ўрнатилмаган. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари айрим маданий мерос объектларида шўрланиш ва намгарчилик даражаси юқорилиги, санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги, зиёратчилар томонидан бу қадамжоларга зарар етказилиши ҳоллари устидан назоратнинг сустлиги, хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти, хусусан, расталар қурилмаси, уларнинг безатилиши объектларнинг хусусиятига мос эмаслиги ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди ва ижро учун тегишли ташкилотларга юборилди.

**Алишер БОЛИЕВ.**

**Яхши хабарлар**

***Хоразм вилоятида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.***

## Меҳнат ва малака уйғунлиги

Урганч шаҳридаги Амир Темур истироҳат боғида ана шу мақсадга қаратилган навбатдаги "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ўтказилди. Ярмаркада барча шаҳар ва туманлардан 516 та корхона ва ташкилот 3492 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда 5400 нафардан зиёд коллеж битирувчиси иштирок этди.

Ярмаркадан сўнг 500 нафарга яқин ёшлар уйларига меҳнат дафтарчаси билан қайтишди. Қолган иштирокчиларга меҳнат қонунчилиги ва ҳуқуқига доир маслаҳатлар берилди.

Вилоятда жорий йил бошидан буён 25 та бўш иш ўринлари ярмаркалари, шу жумладан, ёшлар учун 12 та махсус ярмарка ўтказилди. Натижада 6 минг 600 нафардан ортиқ коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди. Умуман олганда, йил бошидан буён 10 минг нафарга яқин ёш иш билан таъминланди.

**О. РАҲИМОВ.**

***Пойтахтимизнинг Учтепа туманида очилган "Dimax" қурилиш-савдо мажмуаси ҳудудида қурилиш моллари, ускуна ва махсус техникаларнинг доимий фаолият юритадиган ярмаркаси иш бошлади.***

## Янги мажмуа иш бошлади

Бу ерда 200 дан зиёд замонавий савдо павильонлари, маҳсулотлар намойиши учун кўргазма зали, омборхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари мавжуд бўлиб, учта банк филиали ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур мажмуа "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кредит маблағлари ҳисобидан бунёд этилди.

**М. НАЗАРОВА.**

# ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Галдаги тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", "Ўзбекчармпойабзали", "Ўзпахтасаноат" уюшмалари тизимидаги корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, умуман, 60 га яқин ишлаб чиқарувчилар ўзларининг энг сара ҳамда янги маҳсулотларини тақдим этишмоқда.



Бугунги кунда "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимида юзлаб замонавий завод ва устахоналар фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, тизимдаги таъмирлаш корхоналарида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилаяпти. Бунинг натижасида тасарруф этилаётган хорижий қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмларни республикамизда ишлаб чиқариш имконияти яратилмоқда.

"Қарширадиатор" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси — ана шундай ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Корхона бош директори Раим Қодировнинг айтишича, яратилган шароит ва имтиёзлар боис, ишлаб чиқариш суръати йилдан-йилга ошиб бораётир. Хусусан, жорий йилда бу ерда қиймати 1 миллиард 71 миллион сўмлик радиаторлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг олти ойида ишлаб чиқариш қуввати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробарга ортгани эса белгиланган режа ортиғи билан бажарилишидан дарак бериб турибди. Умуман, корхонада қишлоқ хўжалигидан ташқари, кон-металлургия саноати техникалари учун ҳам радиатор ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, бир қатор янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани диққатга сазовордир. Ярмаркада эса улар ўзларининг янги маҳсулотлари билан иштирокчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур ярмарка павильонларида "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарга ҳам катта ўрин ажратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, кейинги йилларда пахтачилик борасида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Пахтани қайта ишлаш жараёнига энг илғор технологиялар жалб этилаётгани натижасида тизимда сифат ва суръат кўрсаткичлари тобора ортиб бораётир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, яқин 5 йил ичида тармоқнинг 20 та корхонасида реконструкциялаш, яна 21 тасида эса модернизациялаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ҳозирда цехларда чигитни янги маҳаллий ва хорижий ускуналарда комплекс технологиялар асосида тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Бу эса, ўз навбатида, уруғлик чигит тайёрлашни марказлаштириш, унинг сифатини назорат қилишни таъминлаш, энг асосийси, сифатли уруғлик чиқариш ва юқори ҳосил олишни кафолатламоқда.

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси таркибида 33 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 16 таси терини қайта ишлаш, 13 таси пойабзал ишлаб чиқариш, 2 таси чарм-атторлик ва биттаси сунъий чарм тайёрловчи корхоналардир. Бугун мазкур тизимда ҳам улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, келгусида тизимда умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 42 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади. Натижада 2012 йилга бориб уюшмада барча маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпаяди.

Қисқа қилиб айтганда, Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари комплекси корхоналари тармоқ саноат ярмаркаси янгиликларга бой бўлмоқда. Ташкил этилаётган тақдимот маросимлари ва ахборот алмашув тадбирлари эса тармоқ вакиллари учун ўз имкониятларини намойиш этиб, кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** ярмарка фаолиятидан лавҳалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

***Ҳозирги кун иқтисодиётини кучли интеграциялашувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, тараққиётнинг калити ўзаро ҳамкорлик қилиш, имкониятy қулайликлар яратиш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор мақсадларга бериладиган эътибордадир.***

## Эркин индустриал-иқтисодий зона:

# УЛКАН ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ

**Шарҳ**

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга ҳам эришилмоқда. Дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчи ва экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бундай ижобий натижалар Президентимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели"ни амалга оширишнинг ҳаётий ифодасидир. Булар нималарда намоён бўлмоқда? Бундай ижобий натижалар иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ҳамда макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишда кўзга ташланмоқда.

Хабарингиз бор, Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона барпо этилаётир. Ушбу улкан лойиҳа ҳам республикамизнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва шу орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётида экспортга йўналтирилган мана шундай махсус иқтисодий зоналарнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини инобатга олсак, юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар нечоғли устуворлик касб этиши янада яққолроқ намоён бўлади. Мазкур ҳудудга хориж сармоясини тўғридан-тўғри кенг жалб қилиш, экспорт миқдорини ошириш, илғор технологияларга йўл очиш, янги иш ўринларини яратиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим пойдевор вазифасини ўтаб беради.

Эзгу ниятларимиз амалга ошса, Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизда ишлаб чиқариш салоҳияти янада мустаҳкамланади, транспорт ва ижтимоий инфратузилма ривожланади, юқори технологияларни жорий этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида янги имкониятлар очилади. Шу орқали нафақат Навоий вилояти, балки республикамизнинг саноат салоҳияти ошади, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит соҳаси тараққий топади.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак таъкидлаганидек, "...Бу ютуқ, албатта, доно раҳбарнинг раҳнамолигида қўлга киритилди. Инқирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлайманки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин".

Шу ўринда эркин иқтисодий зона(ЭИЗ)га таъриф бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни (1996 йил 25 апрель)да унга шундай таъриф берилган: "Эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно".

Бу эса кўплаб имтиёзлар деганидир. Шунинг учун ҳам дунёдаги қатор корпорациялар ЭИЗга катта қизиқиш билан қарашади. Биргина 2000 йилнинг ўзида дунё товар айланмасининг 30 фоизи эркин иқтисодий зоналар орқали ўтгани фикримиз далилидир.

Тарихий манбаларда келтирилишича, бундай зоналар дастлаб эркин портлар тарзида вужудга келган. Жумладан, XVI — XVII асрларда Генуя (1595 йилдан), Венеция (1661 йилдан), Марсел (1669 йилдан)да товарлар бепул ва хавфсиз сақланадиган омборлар мавжуд бўлган. Бу эса савдогарларга катта қулайликлар тақдим этган. Расмий тарзда биринчи эркин иқтисодий зона эса 1934 йилда АҚШда ташкил этилган. Осиёда бу борада 80-йилларда Хитой ва Вьетнам катта ишларни амалга оширган.

Хўш, ЭИЗ нимаси билан фойдали? Бу борада Ирландия тажрибасини олиб кўрайлик. У ердаги Шеннон аэропорти бир пайтлар Европадаги энг йириги ҳисобланарди. Ушбу қўналғада трансатлантик рейслардаги самолётлар ёқилғини янгилаб олиш учун оралиқ тўхташни амалга оширар эди. 50-йилларга келиб танаффуссиз катта масофаларни босиб ўтишга қодир реактив самолётлар яратилганидан кейин, Шенноннинг нуфузи тушиб кетди. Ҳудуд иқтисоди эса инқироз хавфи остида қолди, ишсизлар сони кўпайди. Бу ҳукуматни муаммони ҳал этиш йўлида янги йўналишларни излашга ундади. Махсус дастур ишлаб чиқилди. Унда шундай мақсадлар бор эди: аэропорт яқинида эркин зона — ишлаб чиқариш паркини барпо этиш; аэропорт фаолиятини тиклаб, унинг ролини ошириш; савдо-сотиқ ва туризмни ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш. Шу асосда 1959 йилда 100 гектарлик ерда экспорт-ишлаб чиқариш зонаси бунёд этилди. У ерда халқаро туризм ва имтиёзли савдо йўлга қўйилди, дунёдаги биринчи эркин фаолият юритадиган дўкон ишга тушди. Шу билан бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш парки қурила бошланди. 1980 йилга келиб "Лимерк" инновация марказига асос солинди. Бу нафақат ўнгланиш, балки қисқа муддатда тараққиётга эришиш имконини берди. Шунинг учун ҳам мазкур тажриба кейинчалик дунёнинг қатор, жумладан, Осиё мамлакатларида ҳам қўлланилди.

Бу борада Хитой тажрибасига ҳам эътибор қаратиш ўринли. Чин ўлкасидаги биринчи махсус иқтисодий зона — "Шэньчжэнь" 1980 йил барпо этилган. Қарангки, орадан беш йил ўтиб, бу саъй-ҳаракат ўзининг ижобий натижасини кўрсатган — у ерда саноат маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми 40 баробарга, етти йил ўтиб эса 90 баробарга ошган.

Аслида, ЭИЗ қурилишига қадар Шэньчжэнь 20 минг аҳоли яшайдиган балиқчилар посёлкаси бўлган эди. Индустриал марказга айланганидан кейин беш йил ўтиб эса аҳолиси 1 млн., саккиз йилдан сўнг 5 млн.га етган. Мос равишда ишчи ўринлари сони ҳам шунга яраша кўпайган, турмуш фаровонлигига эришилган. Беш йил ичида у ерга 51,3 млрд. АҚШ долларилик хориж сармояси киритилган.

Умуман олганда, эркин иқтисодий, шу жумладан, эркин индустриал-иқтисодий зона туфайли соғлом ва кучли рақобат муҳити шаклланади, илғор фан-техника ютуқларидан фойдаланиш имконияти кенгаяди, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошади, ишбилармонлар учун имтиёзлар кўпаяди, савдо-саноат диверсификацияси ва комплекс ривожланиш кузатилади. Пировардида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти янада фаровонлашади.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**шарҳловчи.**

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

# ҚАЛБ ҚЎШИҚЛАРИ ОҲАНРАБОСИ

***Бу танловни ҳаяжонсиз кузатиб бўлмайди. Мазкур босқичгача Тошкент шаҳри туманларида иштирок этган санъат ихлосмандларининг ҳар саккиз нафаридан биттаси етиб келган.***

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига маданият ҳамда санъат намояндалари, ижодкорлар ва санъат мухлислари таклиф этилдилар.

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"-ги қарори ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ташкил этилган мазкур беллашув, айтиш жоизки, жойларда юқори савияда ўтказилмоқда. Зеро, ундан асосий мақсад, ёш авлод қалбида она-Ватанни улуғлаш, унинг шану шарафини юксалтиришдек эзгу орзу-умидларни қарор топтириш, Ватанга садоқат, юрт тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва бундай асарларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, қўшиқчилик санъатига ихлосманд ёшларимиз орасидан ноёб истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш ҳамда улар ижодини кенг миқёсда намоён қилиш имконини беради.

Жорий йил мазкур танловда пойтахт туманларидан 276 киши иштирок этган бўлса, шулардан 34 нафар хонанда кўрикнинг Тошкент шаҳар босқичида ўзаро беллашди.

— Бугун юртимизда миллий қўшиқчилигимиз анъаналарининг муносиб давомчилари камол топмоқда, — дейди танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ҳакамлар ҳайъати аъзоси Шерзод Пирматов. — Беллашув иштирокчилари орасида мақом ва фольклор йўналишидаги қўшиқларни маромига етказиб ижро этувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг устоз хофизлар йўлидан бориб, миллий санъатимиз намуналарини қунт ва меҳр билан ижро этаётганликлари қувонарлидир.

Абдулла Қодирий номидаги маданият институти талабаси Абдулла Ибрагимов кўрик-танловда иштирок этиб, илк бор катта саҳнага қадам қўйганлигидан беҳисоя хурсанд. У беллашувда "Достонларинг муборак" деб номланган қўшиғини ижро этди.

— Қашқадарё воҳасида туғилиб ўсганим учунми, халқ бахшилари ижодига қизиқишим баланд, — дейди у. — Болаликда "Алпомиш", "Гўрўғли", "Рустамхон" каби достонларни бахши боболаримиз куйга солиб, зўр маҳорат билан ижро этишганида уларга ҳавас қилардик. Мана, бугун ўзимиз ҳам улғайиб, санъатга меҳримиз боис шу йўлни танладик ва айни пайтда миллий қадриятлар ҳамда замонавийлик уйғунлигида янгидан-янги қўшиқлар яратишга интилаяпмиз. Ана шундай ижодий изланишларимизни бугунгидек нуфузли кўрик-танловлар доирасида устоз санъаткорлар эътиборига ҳавола этиб, уларнинг қимматли ўгитларини олаётганимиздан хурсандмиз.

Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Дилрабо Мадаминова биринчи ўринга лойиқ топилди. Фахрли иккинчи ўрин эса "Бухоро" гуруҳи ҳамда Эргаш Ҳожиевга насиб этди. Шунингдек, Шоҳиста Наврўзова, Раъно Суннаева ҳамда Моҳир Умаров учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Эндиликда улар танловнинг якуний босқичида иштирок этишади.

*Муборак ОХУНОВА.*

## Куйлаган етар муродга

***Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театрида профессионал ҳамда ҳаваскор хонандалар ўртасида мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида уч юз нафарга яқин иштирокчилар ўз иқтидорларини намойиш этишганди. Вилоят босқичида эса улар орасидан саралаб олинган 25 нафар санъаткор Ватан, она-юрт, истиқлолимизни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қатнашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, маданият йўналишида Самарқанд шаҳридан Нуриддин Баҳриев биринчи ўринни эгаллади. "Ўзбекнаво" йўналиши бўйича эса Самарқанд тумани вакили Баҳодир Ризоқуловга ғолиблик насиб этди.

Ғолиблар энди танловнинг республика босқичида иштирок этишади.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОЙЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

***Пойтахтимиздаги Япон боғида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ва "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган туркум тадбирлар ойлигининг ўзига хос якуни сифатида болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.***

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳияти тўла юзага чиқиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида устувор ўрин тутади.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ойлик мобайнида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "Ватанимиз тарихи" мавзуида хайрия акцияси бўлиб ўтди. Болаларни тарихимиз, қадимий меъморий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида диққатга сазовор жойларга экскурсиялар ташкил этилди. Айни пайтда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари учун цирк санъати усталари иштирокида мусиқий дастурлар, концертлар, ёш ижодкорлар асарлари кўргазмалари, спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар ўтказилди.

Хайрия тадбирида санъат усталари ва ижрочи ёшлар, болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## ОБ-ҲАВО (7 июль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

***Ганчкор уста Алишер Ғойибовнинг ишини кузатиш мароқли. Унинг нозик нақшу нигорлар чизишига, нафис ганчкор манзараларни яратишига боқиб, инсон қўлини гулга қиёслашгани бежиз эмаслигини ҳис этасан, киши.***

# НАҚШЛАРНИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ

— Мана буни Бухоронинг қадимий уйларидан бирида учратиб, атайин олиб келдим, — дейди уста ганчдан тайёрланган нақшинкор гиреҳни бизга кўрсатаркан. — Тайёрланганига камида 150 йил бўлган. Пишиқ-пухта, нафислигини қаранг. Илгари бунақасини учратмаганман. Шу боис ундан нусха олдим.

Шу тариқа, ганч ўймакорлигидаги яна бир усул қайта тикланди. Алишер эса изланишдан эринмайди.

— Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони биз, ҳунармандларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди у. — Ишлашимиз, изланишимиз, эркин ижод қилишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Халқ амалий санъатини ривожлантириш, бой миллий меросимизни дунёга кўз-кўз қилиш вазифаси зиммамизга катта масъулият юклаяпти.



**СУРАТДА:** уста Алишер Ғойибов шогирдлари билан.

Бухоролик ганчкор усталар қатори Алишер Ғойибов ҳам машҳур Уста Ширин Муродовни ўз устози деб билади. Оддий бир устадан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби даражасигача кўтарилган бу инсон ўз вақтида "Ситораи Моҳи Хосса", Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг "Бухоро" зали ва бошқа кўплаб иншоотларда ганч ўймакорлигининг бетакрор намуналарини яратган. У илк бор ойна устида ўйма нақшларни ишлаган. "Ситораи Моҳи Хосса"да шу усулда бажарган ишлари мана, юз йилдирки, халқ амалий санъати ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда. Алишер Ғойибов ҳам устоз изидан бориб, ойна устида ганчдан ўйма гуллар ишлаш технологиясини ўзлаштирди. Бухоро шаҳридаги "Сиёвуш", "Умар Хайём", "Нодирбек" хусусий меҳмонхоналарида у яратган ганч ўймакорлиги ва наққошлиги намуналарини кўриш мумкин. "Бухоро" халқаро аэропорти интерьеридаги шарқона ганч ўймакорлик безаклари уста яратган ягона моделлар нусхаси асосида амалга оширилган. Бухоро давлат университети фойеси ва катта мажлислар залидаги ганч ўймакорлиги ҳамда наққошлик намуналари ҳам

**Мерос**

уста ва унинг шогирдлари меҳнати маҳсулидир. Айни дамда Алишер Ғойибов Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги кутубхона биносида шарқона безаш ишларини олиб бораяпти.

Ганч ўймакорлиги кишидан сабр-тоқат, изланишни, бой тасаввур ва чуқур билимни талаб қилади. Алишер Ғойибов ҳали Бухоро давлат университетида ўқиб юрган кезларидаёқ янги услублар устида изланишлар олиб борган ва биринчи бўлиб панжара тайёрлашда дуралюмин қолипларидан фойдаланиш ғоясини илгари сурганди. Кейинчалик эса С. Саломова билан ҳаммуаллифликда махсус мактаб-интернатнинг 5 — 9-синф ўқувчиларига мўлжаллаб наққошлик ва ганч ўймакорлигига оид дастур ҳамда қўлланмани чоп эттирди.

— Шу ҳунар ортидан бахтимни, ҳаётда ўз ўрнимни топдим, — дейди уста. — Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзосиман. Шогирдларим бор. Ўғлим Абдулла ҳам шу ҳунар этагидан тутди.

— Бухоро тасвирий ва амалий санъат лицейида ўқимоқдаман, — дейди Абдулла. — Отамга эргашиб миллий ҳунармандчилигимиз равнақига ҳисса қўшмоқчиман. Жорий йилда "Тасвирий санъат+5" фестивалида қатнашдим.

Бинобарин, анъана давом этади. Усталар қўлида сайқал топган нақшлар жилваси асрлар оша кўнгилларга завқу шавқ олиб келаверади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# ИЛМГА ТАШНА, МУСИҚАГА ОШНО

***Юртимизда ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, боланинг келажакда қайси касбни эгаллаши, қандай феъл-атвор эгаси бўлиши унинг тарбиясига, камол топаётган муҳитига боғлиқ. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбияси ота-она учун энг муҳим масала ҳисобланади. Мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор сиёсати эса камдан-кам давлатларга хос.***

2008 йилнинг Ёшлар, жорий йилнинг эса Баркамол авлод йили деб номланиши юртимизда навқирон авлоднинг алоҳида эъзозда эканлигини кўрсатади. Эртамизни ўйлаб, ўсиб келаётган авлоднинг етук бўлиши йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эса ёш, истеъдодли ўғил-қизларни кашф этишга қаратилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғи сифатида аҳамиятлидир.

Мирзо Улуғбек туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ушбу қарорга мувофиқ фойдаланишга топширилди. У 200 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда мусиқий таълим олиш учун зарур бўлган чолғу асбобларининг барчаси муҳайё этилган. Таълим муассасасига малакали мутахассислар жалб этилган бўлиб, улар фортепьяно, скрипка, гитара, ўзбек халқ чолғу асбоблари, эстрада хонандалиги, тасвирий санъат ва хореография каби етти йўналишда ёшларга сабоқ беришмоқда.

Мусиқага ошно тутинган

**Қарор ва ижро**

болаларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Яъни бола мусиқага қанчалик эрта кўнгил қўйса, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шунга ҳамоҳанг ривожланиб бораверади. Қолаверса, болалар мусиқа мактабларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор минглаб фарзандларимизнинг истеъдодини юзага чиқармоқда. Бу ўринда "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Янги авлод", "Болалик баҳори" каби анъанага айланган турли кўрик-танловларни олайлик. Дунёнинг бирон-бир мамлакатида кузатилмаган бундай тизимнинг ёшларимиз онгига ижобий таъсир этаётгани бу борадаги ислоҳотларнинг самарасидир, албатта.

Фарзанд камолоти йўлида илму маърифат нечоғли муҳим аҳамият касб этса, бу борада мусиқа ва санъат ҳам беқиёс ўрин тутади. Айниқса, яхши куй, дилбар навонинг бола руҳиятига таъсири катта. Биргина она алласини олайлик: мурғак вужуд уни эшитганда йиғидан тўхтайди, алла сеҳри ила ширин уйқуга кетади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, илоҳий оҳангни тинглаган гўдак қалбига эзгулик, меҳр ва садоқат ҳислари сингиб бораверади. Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган қарорида қайд этилганидек, мусиқа ва санъат билан шуғулланиш болаларни интеллектуал ҳамда маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири саналади.

Ёшлар эртанги кунимиз, келажагимиз эгаларидир. Уларни ардоқлаган юртнинг келажаги, табиийки, буюк бўлади. Муҳташам кошоналар эса ана шундай улуғвор орзу-умидларимиз рўёби учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Сайёра АДИЛОВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 2-сонли мусиқа ва санъат мактаби директори.**

***Урганч шаҳридаги "Хоразм" стадионида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!" мавзуида ёшлар фестивали ўтказилди. Хоразм вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.***

# СОҒЛОМ ТУРМУШ УЧУН

Мамлакатимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Зеро, гиёҳванд моддалар инсон саломатлигига жиддий зарар етказибгина қолмай, бутун жамият учун ҳам хавфли оқибатлар келтириб чиқариши маълум.

**Фестиваль**

Тадбирда ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг ёйилишига йўл қўймаслик, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ўсиб келаётган авлодни буюк аждодларимизга муносиб этиб тарбиялаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳаллаларнинг масъулияти юқори эканлиги қайд этилди.

Ёш ижрочилар томонидан ташкил этилган саҳна асарлари ва концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими О. Оллоберганов сўзга чиқди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Наманганда болалар спорти, хусусан, унинг белбоғли кураш тури билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар сафида нуфузли мусобақаларда маҳоратини намойиш этиб, юқори натижага эришаётганлар жуда кўп.***

## Кураш майдонида ўсмирлар

Фарғона вилоятининг Боғдод туманида ўтказилган мамлакат чемпионатида ҳам наманганлик ёш полвонлар энг кўп медални қўлга киритишди.

**Спорт**

1997-1998 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган биринчиликда вилоятлардан ташриф буюрган 200 дан зиёд белбоғли кураш соҳиблари ғолиблик учун курашдилар. Бунда Наманган вилояти вакиллари ўз вазн тоифалари бўйича 5 та олтин, 10 та кумуш ва 10 та бронза медалини қўлга киритдилар. Жумладан, Рустам Деҳқонов, Козим Наимов, Шуҳрат Мамадалиев, Юлдуз Ҳикматиллаева, Ҳилола Толибжонова беллашувдан олтин медаль билан қайтдилар.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
*сизга манфаатли шартларга асосланган*
*«АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади.*
«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади.
Маблағларнинг омонатда сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28% ва 12 ойга йиллик 29% миқдорида фоиз даромадлари тўланади.
*Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.*
ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25

"O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси кўрсатув ва эшиттиришларни режалаштириш бўлими мудири Муқаддам Ҳасанбаевага падари бузруквори **АБДУСАМАД** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 01.45
1 2 3 5